



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Қ А Р О Р И

N 994

2022 й. " 24 " сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамрокулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий ҳужжатлари талаблари билан таништиради, ўқув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24” сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
3 – илова
№ 994

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тимида коррупцияга қарши
курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш
ва тақдим этиш тўғрисидаги**

Н И З О М

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (кейинги ўринларда - Марказий банк тизими)да коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва коррупцияга қарши тадбирларни амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият юритиши ва ривожланиши масалалари бўйича ҳисоботни (кейинги ўринларда - ҳисобот) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфдаги ташкилотларда Ички назорат тузилмаси томонидан шакллантирилиб, раҳбариятга тақдим этилади.

2-боб. Ҳисобот мазмуни ва унинг даврийлиги

3. Ҳисобот мунтазам равишда ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда, коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолатидан, шунингдек, ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш юзасидан чора-тадбирлар ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлигидан қатъий назар, тузилади.

4. Ҳисобот таркиби (мазмуни)да қуйидагилар назарда тутилади:

коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар дастури, йўл харита ҳамда қонунчилик талаблари бўйича ваколатли органларнинг топшириқлари ижросини бажарилиши тўғрисида умумий ахборот;

хавф-хатарларни баҳолаш ишлари, баҳолаш натижалари бўйича амалга оширилаётган ишлар, кузатилган ўзгаришлар;

коррупцияга қарши курашиш бўйича тартиб-таомилларни амалга ошириш натижалари. Бунда, манфаатлар тўқнашувларини тартибга солиш, контрагентлар ва номзодларни ўрганиш натижалари, ўқитиш ишлари, келиб тушган хабарлар ва уларнинг ўрганиш натижалари, мониторинг ва назорат натижалари, шунингдек фаолияти юзасидан таклифлар кўрсатилади.

5. Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларидаги фаолият юзасидан ҳисобот бош бошқарманинг Ички назорат тузилмаси томонидан тузилади ҳамда умумлаштириш учун Марказий банк марказий аппаратининг Ички назорат тузилмасига тақдим этилади.

6. Марказий банкнинг тасарруфидаги ташкилотларда ҳисобот коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан тузилади ҳамда ташкилот раҳбарига тақдим этилади. Заруратга кўра, Марказий банк марказий аппаратининг Ички назорат тузилмасига тақдим этилиши мумкин.

7. Ҳисобот ҳар чорак якунида тузилиб, унинг шакли заруратга кўра ўзгартирилиб борилиши мумкин. Бунда, қонунчилик талаблари, актуал бўлган масалалар ва ҳолатларга кўра унинг мазмуни тўлдирилиб борилади.

8. Йил якунида чораклик ҳисобот ўрнига йиллик ҳисобот тайёрланади.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисоботни шакллантириш тартиби

9. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги ҳисобот коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш, шунингдек, коррупцияга қарши Дастур ёки Йўл харитаси тадбирларини амалга оширилишини мониторинг қилиш мақсадида тузилади.


10. Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисидаги умумий ҳисоботни тузишда Ички назорат тузилмаси таркибий бўлинмалардан ва тасарруфдаги корхоналардан зарур ҳужжатлар, тушунтириш ва статистик маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

11. Ҳисоботда коррупцияга қарши курашишга оид Давлат дастурлари, ваколатли органлар қарорларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш ҳолати тўғрисидаги ахборот алоҳида тартибда қайд этилади.

4-боб. Якуний қоидалар

12. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ички идоравий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшичалар киритилган тақдирда ушбу Низом қайта кўриб чиқиши лозим.

Департамент директори



Ш. Қуваталиев